Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил
4 февраль
ЧОРШАНБА
№ 9 (12749)

www.th.uz

Вилоят фаоллари йиғилиши

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Вилоят фаолларининг 2014 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари ижросини таъминлашга қаратилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ҳокими ўринбосарлари, гуруҳ ва котибият мудирлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи вилоят кенгаши аъзолари, вилоят бошқарма ва ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, шунингдек, бир қатор тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни вилоят ҳокими Аҳмаджон Усманов бошқарди.

Йиғилишда мамлакатимизни 2014 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида белгилаб берилган вазифаларни сўзсиз бажариш чора-тадбирлари атрофлича муҳокама этилди.

Таъкидландики, вилоятда 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини амалга ошириш натижасида макроиқтисодий барқарорлик ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришилди. Хусусан, ялпи ҳудудий маҳсулот 7,5, саноат маҳсулоти 7,6, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 6,8, капитал қурилиш 16,8, чакана товар айланмаси 14 фоиз ўсди. Зарар кўриб ишлаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш натижасида 15 та корхонанинг 10 таси йилни 4,8 миллиард сўм фойда билан якунлаб, экспортга 19,9 миллион АҚШ долларилик маҳсулот чиқарди.

Вилоят иқтисодиётига инвестиция киритиш 16,8 фоиз ўсиб, барча капитал қўйилмаларнинг 14 фоизга яқинини хорижий инвестициялар ташкил этди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 56,2, саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришда 25,3 фоиз ўсди, ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида хизматлар улуши 37,6 фоиз кўпайди.

Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқлар ва чеклашларни бартараф этиш, тўлиқ эркинлик бериш, иқтисодиётда давлат иштирокини иқтисодий асосланган миқдоргача қисқартириш, 2015-2016 йилларда давлат мулкини хусусийлаштиришга доир янги дастур ишлаб чиқиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Чуқур таҳлил ва танқид руҳида ўтган йиғилишда жойларда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилмаётгани, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ўз ечимини кутаётган муаммолар борлиги қайд этилди. Фойдаланилмаётган ички имкониятларни ишга солиш ҳамда 2015 йилда вилоят фаоллари олдида турган долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Вилоят фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Fуломжон Ибрагимов иштирок этди.

Хусусий тадбиркорлик

ЭЛ РИЗҚИГА КАМАРБАСТАЛАР

Бекободлик Ҳасан Назаров ўн турдан зиёд нон маҳсулотлари тайёрлаб, эл дуосини олаётган хусусий тадбиркорлардан. Унинг раҳбарлигидаги "ALISHERBEK-FAYZ SAVDO" хусусий корхонаси ўтган 10 йилдан буён фаолиятини анча кенгайтирди. Корхонанинг соф даромади ҳам айтишга арзигулик. 2010 йилда 15 миллион сўм фойда кўрган бўлса, 2012 йилда бу рақам 40 миллион сўмга етди.

– Бизнинг ишда, энг муҳими, ҳалоллик, – дейди корхона раҳбари. – Шунда унум ва ривож бўлади. Кўпнинг дуоси яхши амалларга ундайди.

Ўтган йили Россиянинг Саратов шаҳридаги "ВОСХОД" бирлашмасидан "Муссон ротар-99МР" технологияси олиб келинди. Натижада нон тайёрлаш жараёни 40 дақиқага қисқарди. Технологияни марказлашган компьютер орқали бошқариш ишчиларга енгиллик яратди.

– Корхонани модернизация қилишда "Ипотека банк" бўлимининг 72 миллион сўм кредити асқотди, – дейди Ҳасан Назаров. – Шу ўринда мамлакатимизда тадбиркорларга яратилаётган қулай шарт-шароит, имтиёз ва имкониятлар соҳа тараққиётига туртки бўлаётганини таъкидламоқчиман.

Ўн бешга яқин ишчи тайёрлаётган 3 минг нон маҳсулотлари кунига шаҳардаги 17 та савдо дўконларида сотилаяпти. Корхона 2012 йилда 627 миллион сўмлик маҳсулот сотган бўлса, ўтган йили 643 миллион сўмдан ошди.

Дарвоқе, корхона тубдан таъмирланиб, замон талаблари асосида жиҳозланди. Шуниси қувонарлики, корхонада турли шаклдаги тешиккулчалар тайёрланадиган янги цех ишга тушиш арафасида.

Ирода НОРБОЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

СУРАТДА: корхона ишчилари Шаҳло Қўшматова ва Мавлудахон Султонова тайёр маҳсулотни дўконларга юбориш арафасида.

Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.

29 март – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ТУЗИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунига 53 кун қолди. Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби вилоятимизда ҳам участка сайлов комиссиялари таркиби шакллантирилмоқда. Бу жараён қайси қонуний меъёр асосида ва қандай амалга оширилаяпти? Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси котиби С. Бобоқулов билан суҳбатимиз шу ҳақда кечди.

– Сирожиддин Суюнович, айтингчи, участка сайлов комиссиялари қачон шаклланиб бўлиши керак?

– Участка сайлов комиссияси – туман ва шаҳар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузиладиган сайлов участкасида сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга масъул бўлган, давлат ҳокимияти ваколатига эга махсус коллегиал орган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиясини тузиш тартиби "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасида белгилаб берилган.

Участка сайлов комиссиясини сайловга камида қирқ кун қолганда округ сайлов комиссияси ташкил этади. Комиссия қанчалик эрта тузилса, сайловга тайёргарлик шунчалик пухта олиб борилади. Участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ва тегишли округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади. Қонуннинг 18^1-моддасида алоҳида таъкидланганидек, округ ва участка сайлов комиссияларининг аъзолари жамоатчиликнинг обрўли вакиллари орасидан тайинланади.

– Комиссия таркиби сон жиҳатидан чекланганми?

– Участка сайлов комиссияси беш – ўн тўққиз нафар аъзодан иборат таркибда тузилиб, улар орасидан раис, раис ўринбосари ва котиб сайланади. Агар комиссия таркиби етти нафаргача бўлса, унда раис ва котиб сайланади. Раис ўринбосари лавозими бўлмайди. Участка сайлов комиссиясининг шахсий таркиби округ сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланади ва маҳаллий матбуотда эълон қилинади.

(Давоми 2-бетда).

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

МЎЪТАБАР МОМО

Ўттизинчи йиллардаги очарчилик Форишнинг Сафарота қишлоғини ҳам четлаб ўтмади. Одамлар қорин тўйғазиш ғамида ўзларини ўтгаям, сувгаям уришарди. Эндигина ўн ёшга тўлган Ширин онаси Турсуной опага эргашиб, тоғ ортидаги хўжаликка пахта тергани қатнай бошлади. Боиси – тушликка бирор ёвғон шўрва ё атала беришарди. Унинг илк иш кунлари ўшанда бошланганди. Меҳнатнинг нони тотли бўлишини, пахта қандай экинлигини ҳам ўшанда билди. Чунки, уларнинг тоғли қишлоқларида пахта ўсмасди.

Очарчилик йиллари ўтар-ўтмас, уруш бошланди. Қишлоқнинг бўз йигитлари жангга отланишди. Уруш бошланган қирқ биринчи йили Ширин ўн еттига тўлганди. Орадан бир-икки йил ўтиб, тоғликларни пахта экиладиган ерларга кўчира бошлашди. Боиси – урушга ҳам пахта керак эди.

1943 йилда Ширинларнинг оиласи Чиноздаги Кўтарма қишлоғига кўчиб келди. Тоғликларни қишлоқ четидаги далаларга жойлаштиришди.

Ўша йили шу ерлик Жонузоқ жанглардан бирида жиддий яраланиб, қишлоғига қайтиб келди. Урушдан кейин, Ширин билан тўйлари бўлди, кетма-кет икки ўғил кўришди. 1960 йилда урушда олган жароҳати туфайли Жонузоқ бу ёруғ оламни тарк этди. Ўшанда Тургун тўрт, Баҳром бир ёшли гўдак эди.

(Давоми 2-бетда).

9 февраль – Алишер Навоий таваллуд топган куни

ШИРИННИНГ ЮЗ САКСОН ИСМИ

Бу дунё – кўп қадим дунё. Аввал замонлардан Шаркда нима қадрланган бўлса, Fарбда унинг аксини қилишган. Масалан, бизда жамоачилик, яъни бир иш қилсак: "Одамлар нима дейди?" деб ўйлаш устувор, Fарб эса бунинг тескариси – "ўзимбўлай"чилик йўли билан ривожланган. Шунинг кучли таъсирида баъзи газеталаримиз машҳур кишиларимиз таваллуд кунига бағишланган мақолаларда аёлларнинг туғилган йилини ёзмай кетади. Нима эмиш – бу аёллар ёшини суриштириш бўлиб қолар, яъни маданиятсизликмиш...

Қайси маданият ҳақида гап бораяпти ўзи?

Жаҳонга машҳур психолог Дейл Карнеги ҳар қандай одамга исмини айтиб мурожаат қилиш хуш ёқишини ҳаётий кузатишлари, асосли далиллар билан исботлаган.

Бизда эса...

Маънавият

Ҳазрат Алишер Навоийнинг бир ғазалида ошиқ шунчалар рашкинки, у, ҳатто, маъшуқасининг исми ҳар кимнинг тилида зикр этилишини истамайди:

Мен бўлай овора то ишқимдин айлаб гуфтугўй,
Оти онинг ҳар киши оғзига мазкур ўлмасун...

Ҳа, энди бу шеър-да, унда нималар дейилмайди, деб ўйларсиз? Лекин шоир яшаган минтақада, бу ёғи Зарафшон водийсида ҳам, халқда шаклланган анъанага кўра, турмушга чиққанидан кейин қизнинг исмини деярли ҳеч ким ишлатмайди. Эри биринчи боласининг исмини тутиб, оиланинг бошқа аъзолари, қўни-қўшнилар, ҳатто, ўз туққан онаси ҳам кўпинча уни бош фарзандининг номи билан "фалончининг онаси" деб чақиради.

Шубҳасиз, Навоий байтда халқнинг асрлар мобайнида шаклланган муомала маданиятидаги шу одатдан бадиий мақсади йўлида усталик билан фойдаланган.

Фарҳод ва Ширин – шоирнинг идеаллари. Шу номли достонда улар энг комил инсонлар сифатида тасвирланади. Шунинг учун Шарқ адабиётидаги ошиқ-маъшуқни таърифловчи жамики гўзал сўзлар уларга бахшида қилинади.

(Давоми 4-бетда).

ОЧИҚ ВА ОШКОРАЛИК – БОШ МАҚСАД

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда округ сайлов комиссияси аъзолари, шаҳар ва туман ҳокимликлари ташкилий-назорат гуруҳлари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби Комилжон Адилов округ сайлов комиссияси вазифалари ва участка сайлов комиссияларини шакллантиришда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари эътибор бериши керак бўлган масалалар ҳақида гапирди. Округ сайлов комиссияси раиси Нурмуҳамат Абдуллаев Президент сайловига тайёргарлик жараёнлари хусусида тўхталиб, сайлов кампанияси миллий қонунчилигимиз талаблари ва Марказий сайлов комиссияси тасдиқлаган тадбирлар дастури асосида изчил олиб борилаётганини таъкидлади.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси Президент сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раислари ва аъзолари, ҳудудий матбуот марказлари раҳбарлари учун ташкил этган икки кунлик республика семинар-тренингда округ сайлов комиссиялари олдига қўйган вазифалар хусусида атрофлича тўхталди.

Йиғилиш кун тартибига мувофиқ участка сайлов комиссияларини тузишда Халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашлари зиммасидаги вазифалар, участка сайлов комиссиялари қонунийлик, сайлов жараёнининг очиқ ва ошкоралигини таъминлаши каби муҳим масалаларга доимий эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Комиссия йиғилиши якунида вилоят округ сайлов комиссияси вакилларига аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ.
Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.

29 март – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ТУЗИЛМОҚДА

Участка сайлов комиссияси аъзолари сони заруриятга қараб (масалан, сайлов участкасидаги сайловчилар сонига қараб) белгиланган доирада округ сайлов комиссияси томонидан кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

– Хорижий давлатлар ва ҳарбий қисмларда тузиладиган участка сайлов комиссиялари қай тартибда ташкил қилинади?

– Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномаси билан унинг таркиби ва аъзолари тасдиқланади. Ҳарбий қисмларда тузиладиган участка сайлов комиссиялари ҳам умумий тартибда ташкил қилинади, уларнинг аъзоларини ҳарбий қисм ёки ҳарбий қўшилмалар командирлари тақдим этади.

– Қаерда ташкил этилишидан қатъи назар, участка сайлов комиссияларининг ваколатлари бир хил, шундайми?

– Албатта, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ, участка сайлов комиссиялари участка бўйича сайловчиларнинг рўйхатини тузади; сайловчиларни сайловчилар рўйхати билан таништиради; рўйхатда йўл қўйилган ноаниқликлар тўғрисидаги аризаларни қабул қилади ва кўриб чиқади ҳамда рўйхатга тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этади; сайлов куни ўз тураржойида бўлиш ва овоз беришда иштирок этиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилардан сайлов варақаси солинган ёпиқ ҳолдаги конвертларни қабул қилиб олади; аҳолини сайлов куни ва овоз бериш жойи тўғрисида хабардор этади; овоз бериш биноси ва сайлов қутилари ҳамда бошқа сайлов ашёлари тайёрлаб қўйилишини таъминлайди; сайлов куни сайлов участкасида овоз беришни ташкил этади; сайлов участкасида берилган овозларни ҳисоблаб чиқади; сайловга тайёргарлик кўриш ва овоз беришни ташкил этиш масалалари юзасидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади; "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа Қонунларига мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.

– Айтингчи, вилоятда участка сайлов комиссияларини тузиш жараёни ҳозир қайси босқичда?

– Халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларининг аксарияти ўз мажлисларида участка сайлов комиссиялари аъзолигига номзодларни муҳокама қилиб, тавсияномаларини округ сайлов комиссиямизга жўнатишган. Жараён давом этмоқда. Округ сайлов комиссияси тавсия этилаётган номзодларни ўрганиб чиқаяпти. Тавсиялар тўлиқ олиниб, барча участка сайлов комиссиялари таркиби округ сайлов комиссияси қарори билан тасдиқлангач, улар ҳақидаги маълумотлар тегишли тарзда шаҳар ва туман газеталарида эълон қилинади.

Тўнғич БЕК.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Зулфия таваллудининг 100 йиллиги олдидан

Жамият тараққиёти ва гуллаб-яшнаши йўлидаги саъй-ҳаракатларга аждодлар ибрати жон бағишлайди. Мумтоз адабиётимиз вакили Зулфия Исроилованинг ҳаёт йўли шу маънода энг муносиб ибрат мактаби бўла олади.

НАФИС КЕЧИНМАЛАР КУЙЧИСИ

Ёшларни оммавий маданиятнинг зарарли таъсиридан асраш, билим ва иқтидорларини тўғри шакллантириш, миллий истиқлол ғояларига, маданий-маънавий қадриятларга эътиқоди юксалишини рағбатлантириш мақсадида мамлакатимиз раҳбарининг Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш тўғрисидаги Фармонига мувофиқ салкам 15 йил давомида бу юксак мукофотга сазовор бўлган оқила ва доно қизлар бугун 182 нафарга етди. Қувонарлиси, уларга тенглашиш, мукофотга муносиб бўлиш учун ҳаракат қилаётган иқтидорли қизлар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда.

Ҳикматлар бағрида дур
марваридим,
Аждодларим менга
ифтихор, ғурур.
Шу мавзулардан томган
нуқра умидим,
Шоира қизларим
бахш этган сурур.

Дарҳақиқат, тақдир инъом этган зийраклик, зукколик, интилувчанлик Тошкент шаҳрининг "Дегрез" маҳалласида туғилиб ўсган Зулфия Исроиловани элда азизу мукаррам қилди. Мактаб, билим юрти, институтда олган илму сабоқлари, ўзбек тили ва адабиётига бўлган ихлоси ўз мевасини берди. Ўттиз йил давомида ўзбек хотин-қизларининг севимли журнали "Саодат"га муҳаррирлик қилди. Ўз халқига беқиёс меҳри, Ватанига садоқати "Қизлар қўшиғи", "Юрагимга яқин кишилар", "Куйларим сизга", "Ўйлар", "Шалола" бўлиб қалбларга чироқ ёқди, кўпларни адабиёт, шеърият шайдосига айлантирди.

Айниқса, Зулфиянинг яна бир ёркин истеъдод соҳиби, халқимизнинг атоқли шоири Ҳамид Олимжон билан ижодий ҳамкорлиги, кейинчалик оила қуриб, ҳаётда ҳам ҳамкор, ҳамқадам бўлиши уни бахти кулган аёлга айлантирди. Ҳамид Олимжон таъбири билан айтганда: "Икки ўртоқ, икки ширин жон, янги уйга бўлдилар меҳмон". Бу давр уларнинг ҳар иккиси учун ҳам унутилмас дамларни ҳадя этди. "Ҳаёт варақлари", "Шеърлар", "Ҳулкар" китоблари, "Уни Фарҳод дер эдилар" поэмаси ва бошқа қатор шеърий тўпламлари Зулфиядек бахтли аёлни элга танитди. У серқуёш Ватани, юрагига яқин кишиларни куйлаб чарчамасди.

"Мен қуёшли эл фарзандиман" дея ғурурланган шоиранинг энг севимли фасли баҳор эди. Аслида, табиат шайдоси Зулфия тўрт фаслни ҳам ўзига хос муҳаббат билан севарди. "Олтин куз", "Далада бир кун", "Қор", "Далада куз", "Бўрон қучоғида", "Булут ўйини" каби шеърлари фикримиз далили. Лекин, баҳор қуёши шоиранинг қалб мулки, юрак тафтига айланган гўё. Шунинг учун ижодида баҳор кулгани, чечаклар хандон отган ҳолатлар кўп. Зулфиянинг ҳақиқий баҳор куйчиси, нафис туйғулар ифодачиси эди: "Баҳор кечаси", "Баҳор", "Эримоқда қор", "Соғиниб", "Салом тансиқ баҳор", "Кел баҳор", "Демак баҳор келди"...

Дарҳақиқат, шоира гўзал ҳистуйғулар, эзгу тилак ва истаклар элчиси эди. У дунёни борича севиб, ардоқларди. "Гуллар очилганда", "Сирень", "Қайинзорда", "Бинафша" каби шеърларида шу меҳр-муҳаббат ғоят усталик ва улуғ маҳорат билан ифодаланганки, бу нафақат гулларга, балки одамларга, бутун борлиққа бўлган беқиёс меҳрни кўрсатади:

"Ватандош, сен бахтиёрлигим,
Сенсиз на куй, на ҳаёт бутун".

Одамзот ҳаётнинг тотли дамларию аччиқ синовларини ҳам бошидан кечириши бор гап. Зулфиянинг ҳам бахтига "кўз тегди" гўё. Даҳшатли фожиа икки севишган қалбни бир-биридан жудо қилди:

Бахт қасримга кириб мени
топди дард,
Уруш ёзда ёққан қор каби ўлим.
Ўттизга кирмаёқ сочим
қор ялаб,
Кўзёшим сойига тўкилди
гулим...

Дарду дунёси қоронғу маъсума аёлни икки гўдаги – Ҳулкару Омонжоннинг меҳри асраб турди. Энди у, бутун борлиғини меҳнату ижодга бағишлади. Жон дўстлари, юрагига яқин кишиларнинг далдаси билан гўё яна ҳаётга қайтди. Ҳар баҳорда янгиланадиган дил ярасига қалб нолаларини, қатъият ва шижоатини малҳам қилди. Ҳар йили баҳор Ҳамид Олимжонни сўроқлаб келганида, биргалашиб унинг қабрини зиёрат қилди:

Соғинганда излаб бир нишон,
Қабринг томон олар эдим йўл.
Келтирардинг менга бир замон,
Энди эса, мен элтаман гул.

Шоиранинг сабр-тоқатини синаган бу аламли кунларда ёлғиз юпанчи унинг қалами бўлди. Кимлардир уни тушкун кайфиятда айблади, таъна тошларига дучор этишди. Лекин Зулфия доим халқ ичида бўлди. Тинимсиз ижод, машаққатли меҳнат билан ҳижрон азобини енгди. Дарду аламини қоғозга, меҳру муҳаббатини фарзандларига, яқинларига берди. Ниҳоят, ўз таъбири билан айтганда: "Она қалби оёққа турди".

У ўзбек халқининг ардоқли фарзанди, шоирасига айланди. Нафақат ўз Ватанида, балки чет элларда ҳам инсонийлиги, тинчликни тарғиб этувчи шеърларини ўқиди. Мушоираларда ўзбек қизининг истеъдоди, юксак маънавиятини намойиш этди. Кўпгина чет эл шоир ва ёзувчиларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилди.

Неча-неча қизларнинг қўлидан тутиб, адабиёт даргоҳига олиб кирди. Меҳрибон, талабчан устоз сифатида шогирдлари меҳрини қозонди. Қатор халқаро мукофотларга сазовор бўлди. Мустақиллик деган улуғ неъмат эса юрагидаги тугунларни бирма-бир ечиб ташлади. "Ҳуррият, келдингми – наҳотки келдинг", дейди у энтикиб "Хотирам синиқлари" достонида. Ундаги гўзал ташбиҳлардан шоира қалбидаги туғённи, соғинчни туяди киши:

"Келдинг-эй, Истиқлол
истиқбол бўлиб
Қалбимга насиминг билан
йўл солдинг
Сен шу ҳур назмга
ихтиёр бериб,
Мен оғир булутдек бир
ёғиб олдим".

Дарҳақиқат, ҳурлик туфайли қалб нидоларидан фориғ бўлди. Шунинг учун ҳам 1991 йилдан кейинги ижоди, олтмиш йиллик армонлари рўёбига бағишланди. Шоира истиқлол нашидаси, мустақиллик алёрларини куйлашдан чарчамади.

Шоиранинг илму аъмоли, камоли, нуфузини белгиловчи эътирофлар умрининг охиригача, ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. Халқаро "Неру", "Нилуфар" мукофотлари, "Дўстлик ордени", "Меҳнат қаҳрамони" унвони ва бошқа қатор давлат мукофотлари кундан-кунга сафи кенгайиб бораётган шеърият ихлосмандлари, қўйингки, Ватан ардоғи, халқининг меҳри каби буюк эътирофлар туфайли ўзбек қизи Зулфия ўз ҳаёти ва қисматидан рози бўлиб кетди, десак муболаға бўлмас:

"Эъзозлар, ардоғлар
учун ташаккур,
Асли сиз офтобим, мен
зиёсиман.
Тонгларингиз кулсин
дориламон, ҳур,
Бахтим шул Ўзбекнинг
Зулфиясиман.

Наргиза ИШМЕТОВА,
Ангрен шаҳридаги
25-мактаб ўқитувчиси.

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

МЎЪТАБАР МОМО

"Интилиш" жамоа хўжалиги йиллар ўтиб кенгайди, даромади ортди, унга "Ўзбекистон" деб ном берилди. Бу хўжаликнинг оёққа туришида чевар теримчи деб ном олган Ширин Қўйчиеванинг ҳам муносиб ҳиссаси бўлди. Уни ҳамқишлоқ дугонаси, бригада бошлиги Офтоб Пардабоева билан бирга туманга депутат қилиб сайлашди. Бир пайтлар тоғ дарасидан келган қизалоқ Кўтарманинг далаларида обрў-эътибор топди, уни бутун туман аҳли таниди, меҳнати, садоқатини қадрлади.

Ширинниг ўғиллари ҳам улғайиб, йигит бўлишди. Турғуни армиядан келди-ю, тўй-томошани бошлашди. Невараси тўйига онаси Турсуной момонинг ўзи бош бўлди. Турғун ҳам, келини ҳам қадрдон Кўтарма далаларида ишлай бошлашди. Бир пайтлар турмуш ўртоғи билан ўзи ишлаган далаларга энди ҳар саҳар ўғли билан келини ошиқишади...

Кенжаси бошқача чиқди. У ўқишга қаттиқ берилди. Мактабни тугатгач, Тошкентдаги тиббиёт техникумига ўқишга кириб, имтиёзли диплом билан битирди. Сўнг Тиббиёт институтида таҳсил олди. Бугун Баҳром Жонузоқов шифокор, Чиноздаги "Саломатлик" маркази мудири, туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси.

Бу йил Ширин момо умрининг тўқсон биринчи баҳорини қаршилайди. У ўғилу келинлари, саккиз невара, ўн икки чевара ардоғида.

Юртимиз мустақиллиги Кўтарма қишлоғига ҳам олам-олам янгиликлар олиб кирди. Мактаблар замонавий қиёфа касб этди, Ширин момонинг невaралари компьютер синфларида таълим олишди. Қишлоқ марказида врачлик пункти қад ростлади. Энди қишлоқ далаларининг ҳақиқий хўжайинлари фермерлардир. Буларни кўриб, Ширин момо шукроналар айтади.

Абдужалол РАҲИМОВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҲАР СЎЗИ ИБРАТ ШОИРА

Ангрен шаҳридаги 7-умумтаълим мактабида ўзбек адабиётининг атоқли намоёндаси, шоира Зулфия таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб адабий-бадиий кеча уюштирилди.

Ижодкорнинг ҳаёт йўли, бой ижодий мероси акс этган лавҳалар, мушоира, саҳна кўринишлари, кўргазмали воситалар намойиш этилди. Зулфия издошларининг шеърлари тингланди. Қатнашчилар "Маҳорат мактаби" ўқувчиларининг ҳар бир чиқишларини мароқ билан тинглаб, томоша қилишди.

Тадбир якунида меҳмонлар, шаҳар мактаблари ўқитувчилари ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

Саида ИКРОМОВА.

ВАФО ВА САДОҚАТ ТИМСОЛИ

Паркент тумани "Баркамол авлод" болалар ижодиёти марказида "Зулфия – вафо ва садоқат куйчиси" мавзуида тадбир ўтказилди.

Иштирокчилар халқимизнинг суюкли фарзанди Зулфиянинг ҳаёти ва ижоди ҳақида сўз юритишди. Атоқли шоира таваллудига бағишлаб ёзилган янги шеърлар ўқилди.

Шу куни тумандаги ёш ижодкорлар тўгараги аъзолари ҳам ардоқли шоиранинг беназир ижоди, ватанпарварлик, одамийлик, вафо ва садоқат, олижаноблик каби хислатларга йўғрилган шеърларидан намуналар ўқишди.

Тадбирда, шунингдек, ёшлар маркази аъзолари тайёрлаган ижодий кўргазма намойиш этилди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.

МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Хотин-қизлар қўмитасининг 5-Бошқарув йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят жамоат ташкилотлари вакиллари, шаҳар, туман хотин-қизлар қўмиталари раислари, бошқарув аъзолари, сиёсий партияларнинг "Аёллар қаноти" раҳбарлари ва вилоятнинг фаол аёллари иштирок этди.

Кун тартибида Ўзбекистон Президентининг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар, "Соғлом бола йили" вилоят дастурининг бажарилиши, одам савдоси, ёшлар тарбияси ва бандлиги каби масалалар кўрилди.

Йиғилишни вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева олиб борди.

Сайёра ЭШМАТОВА.

Семинар

ҚИШЛОҚ АЁЛЛАРИГА ҚУЛАЙЛИК

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги қошидаги қишлоқларда намунавий уй-жойлар қуриш лойиҳасини амалга ошириш гуруҳи ҳамкорлигида семинар ташкил этилди.

Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган машғулотда ташкилотчилар, "Қишлоқ қурилиш инвест" вилоят бошқармаси, "Қишлоққурилишбанк", "Ипотека банк" ва "Миллий банк"нинг вилоят бўлими вакиллари, барча шаҳар ва туман ҳокими ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмитаси раислари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳудудий бўлими мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Ўзбекистон ҳамда Осиё тараққиёт банки ҳамкорлигидаги дастурнинг мазмун-моҳиятини хотин-қизлар қўмитасининг жойлардаги тузилмалари орқали қишлоқ аёлларига кенгроқ тушунтириш мақсадида ташкил этилган амалий семинарда, дастур асосида қурилаётган уйларнинг замонавийлиги, қишлоқ аёллари учун барча зарур шароитларнинг яратилгани, айниқса, уйни сотиб олувчиларга қўплаб имтиёзлар берилаётгани тўғрисида фикр юритилди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

Аваз БЕКОВ.
Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.

Хушхабар

МАСЛАҲАТ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Хотин-қизлар ўртасида маънавий муҳитни соғломлаштириш ҳамда уларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида Янгийўл туманида "Аёллар маслаҳат маркази" ташкил этилди. Унда туман маҳалла маслаҳатчилари, фаол аёллар, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, ўқитувчилар, уй бекалари иштирок этишди.

Аёлларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларнинг ижросига кўмаклашиш, уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича тавсиялар бериш ҳамда тўгарак ва клублар ташкил этишни ўз зиммасига олган марказ эндиликда туман хотин-қизларининг яқин кўмакдошига айланади.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

Наргис ҲАСАНОВА.
Даврон АҲМАД олган сурат.

ОИЛАДА ФАРОҒАТ БЎЛСИН

Аёл учун оналик бахтидан буюк толе йўқ. Зеро, унинг жамиятда эришган мавқеи нечоғли баланд бўлмасин, оилада фароғат топмаса, қийин. Сенга суянчиқ бўладиган турмуш ўртоғинг ёнингда бўлса, ўғил-қизларинг ҳар ишда қанот бўлиб, бағрингда юрса, аёлга бундан ортиқ бахт бормикан дунёда? Турмуш чорраҳаларида талашиб-тортишсанг ҳам ғоят бахтлисан. Чунки ҳар ишда маслаҳатлашадиган, хоҳ аччиқ, хоҳ ширин ташвишингни ортмоқлашадиган кишинг ёнингда.

Қолаверса, ота бор уйга ғам-ғусса киролмайди, ғаламислар бош суқа олмайди. Ота бор уйда доим ўчоқда олов, қозон қайнаб туради.

Ота бор уй ҳамиша тинч, осойишта. Унинг топиб-тутиб келганини дастурхонга тотли ва мазали қилиб тортадиган аёллар омон бўлсинлар. Улар турмуш ўртоқлари тинчликни сақлаган остонани обод қилиб яшайдилар. Аёл бор уй саранжом-сариштa. Аёл уйига барака киритишни истаса, ҳар нарсада тежамкор ва тадбирли бўлади.

Ҳаётда ёлғизлик азобини етарлича тортдим. Болаларимнинг отаси қазо қилганидан кейин бошимдан кечирганларимни эсласам, юрагим увишиб кетади. Қанчадан-қанча миннат ошини ичдим, ўз соҳамда бошқалардан кам бўлмасам-да, шахсий ҳаётим йўқлигини писанда қилганлар топилди. Ён-атрофимдагиларнинг ваъдалари ва найрангларига учмадим. Шундай эзилиб юрган кунларимда дўстлик қўлини чўздингиз, яқинлардан хафа бўлмаслик ва уларга нисбатан кўксида нафрат сақлаш ёмонлигини уқтириб, ғариб кўнглимни кўтардингиз.

Сизга суяниб ҳаётга қайтдим. "Атрофингиздагиларга ҳеч қачон гина-кудуратда бўлманг, адоват сабаб соғлигингиз заифлашади, аламнинг доғи кетиши қийин", дея таскин берасиз. Мен қалбимдаги жароҳатлар ўрнини Сиз билан фарзандларимизнинг ширин ташвишларига бўшатиб бердим. Шундай қилганим сайин кунларим тиниқлашди.

Ўткинчи ғамларга тик қарашни ўргатдингиз менга. Сизнинг остонангизга келиб, аёллик бахтининг нечоғли улуғвор неъмат эканини ҳис этдим.

Атрофимдаги дугоналаримга бир ўтинчим бор: суянган тоғингизни асранг, улар сизга ҳар нарсадан қалқон, бошингизга соябон, умрингизга чароғбондир.

Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи.

Депутат ва ҳаёт

САЙЛОВЧИ МУРОЖААТИ ЖАВОБСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси электорати манфаатларига мос келувчи Давлат дастурлари, қонун ва қарорларнинг ижросига оид камчилик ҳамда муаммолар юзасидан давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахсларига қонун доирасида депутатлик сўрови киритиш депутатдан катта масъулият талаб этади.

Республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ЎзЛиДеПдан депутат этиб сайланган Муҳаббат Тўхтаева билан суҳбатимиз унинг депутатлик фаолияти хусусида бўлди.

– Олий Мажлис Қонунчилик палатаси 2014 йилда 20 дан ортиқ қонун, бир қанча муҳим қонуности ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилди, – деди М. Тўхтаева. – Мен ҳам шу лойиҳалар бўйича таклиф ва мулоҳазаларимни билдирдим. Уларнинг аксарияти инобатга олинди.

Юртимизнинг турли вилоятларида бўлиб, юзлаб учрашув ва мулоқотларда қатнашдим. Уларда 50 мингдан зиёд аҳоли иштирок этиб, 132 та ариза ва мурожаатлар тушди. 80 та мурожаат ва аризага жавоб ҳамда тушунтиришлар берилди. 30 дан ортиқ ариза эса турли вазирлик ва идораларга тегишли чоралар кўриш учун юборилди. Қолган аризалар ижроси эса назоратда турибди. Улар ҳам, албатта, қонуний муддатларда ҳал этилади.

Бу йилги сайловолди дастуримда партиянинг амалий ҳаракат дастуридан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва жамиятни демократлаштириш, қонун устуворлигига эришиш, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг муҳим шарти бўлган судларнинг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлаш, тадбиркорлик субъектларининг хўжалик судлари ёрдамидан фойдаланиш имкониятларини босқичма-босқич ошириб бориш, хўжалик судлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни кенгайтириш, маъмурий қонунчиликни либераллаштириш жараёнларини давом эттириш, фермерлар ва ишбилармонларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлайдиган қонунчилик меъёрларини янада такомиллаштириш, ҳакамлик судлари институтини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий низоларни тартибга солишнинг муқобил, суддан ташқари шаклларини ҳар томонлама ривожлантиришни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман.

Суҳбатни "Тошкент ҳақиқати" мухбири Наргис ҲАСАНОВА ёзиб олди.

Фуқаро муҳофазаси

Зангиота туманидаги Кўксарой, Назарбек ва Туркистон қишлоқларида ёнғиннинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этувчи замонавий ўт ўчириш техник воситаларга эга янги хавфсизлик қисми барпо этилди.

ЎТ ЎЧИРИШ ҚИСМИ

Туманнинг Келес ва Эшонгузар шаҳарчалари ҳамда Гулистон қишлоғида ўт ўчирувчилар қисми бўлиб, улар қамраб олган ҳудуднинг кенглиги, оралиқ масофа 20-25 километр эканлиги сабабли ёнғинни ўчириш бўлинмаларининг чақирув жойига тез етиб бориши қийин эди. Қолаверса, ҳудудда 11 минг 158 хонадон ва 54 та кўп қаватли уй, 200 га яқин ишлаб чиқариш объектлари ҳамда 40 дан зиёд муассаса жойлашган. Шу боис ушбу ҳудудда ўт ўчириш қисми ташкил этилгани айни муддао бўлди.

Саид АКБАРОВ. Даврон АҲМАД олган сурат.

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ СОДИР БЎЛГАНДА

Фавқулодда вазиятлар вазирлигида "Аҳолини фавқулодда вазиятлар содир бўлганда (табиий ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёрлаш" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Фавқулодда вазиятлар, Олий ва ўрта махсус таълими, Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда, 2014 йилда аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ишлари хусусида ҳисобот тингланди.

Таъкидландики, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг йиллик асосий тадбирлар режасига асосан Фуқаро муҳофазаси институти ҳамда ҳудудий фавқулодда вазиятлар бошқармалари аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш марказларида корхона, идора, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбар ходимларини тайёргарликдан ўтказди. Бундан ташқари, аҳолини табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш мақсадида қўмондонлик штаби мунтазам ўқув машқлари ўтказиб келмоқда. Хусусан, "Табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, содир бўлганда тўғри ҳаракат қилиш ва оқибатларини бартараф этиш" мавзуида 150 дан зиёд қўмондонлик штаб ўқув машқлари бўлди. Уларда 765 мингга яқин раҳбар ходим ва фуқаролар тайёргарликдан ўтказилди.

Шунингдек, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда мактабгача, мактаб ва олий таълим тизими ёшидагилар учун мўлжалланган зилзила ва бошқа фавқулодда вазиятлар хавфи бўлганда ёки юз берганда ҳаракат қилиш бўйича кўргазмали ўқув қўлланмалари яратилиб, ўқув муассасаларига етказилди.

Аваз БЕКОВ.

Тадбир

Республика Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси Бутунжаҳон сув-ботқоқли ҳудудлар кунига бағишлаб анъанавий давра суҳбати ўтказди.

ТАБИАТ БИЛАН ҲАМНАФАС

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси Давлатбионазорати, Оролни қутқариш жамғармаси агентлиги, Ўзбекистон Қушларни муҳофаза қилиш жамияти (UzSPA) ва бошқалар ўз маърузалари ҳамда тақдимотлари билан иштирок этди. Шунингдек, тадбирда Тошкент овчилар ва балиқчилар бирлашмаси, вазирлик ва идоралар, таълим муассасалари, жамоатчилик ташкилотлари вакиллари, олимлар, орнитолог мутахассислар, марказий ОАВ, интернет нашрлар журналистлари қатнашдилар.

Тадбир иштирокчилари тақдим этилган маърузалар юзасидан мунозара юритдилар.

Муқаддас ИСРОИЛОВА.

ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгашининг навбатдаги конференцияси бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари, вилоят, туман, шаҳар кенгаши депутатлари ҳамда бошланғич партия ташкилотларидан сайланган делегатлар иштирокида ташкил этилган конференцияда вилоят партия ташкилоти амалга оширган ишлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайловлар якунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси VIII съездига делегатлар сайлаш каби масалалар кўриб чиқилди. Конференция сўнгида партиянинг келгусида амалга ошириши лозим бўлган вазифалар атрофлича муҳокама этилди.

Наргис МАМАТҚУЛОВА.

Бекобод шаҳридаги 7-умумтаълим мактабида чет тилларини ўргатишни янада такомиллаштиришга бағишланган вилоят миқёсида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда вилоят мактабларининг олтмишдан ортиқ инглиз тили фани ўқитувчилари иштирок этишди.

САМАРАЛИ УСУЛЛАР

Семинарда хорижий тилларни ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, дарсдан ташқари машғулотлар савиясини ошириш, "Маҳорат мактаблари" фаолиятини янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилди. Ноодатий намунавий очиқ дарслар ташкил этилиб, методик қўлланма ва мультимедиали иловалардан самарали фойдаланиш усуллари амалда кўрсатилди.

Тадбир якунида иштирокчилар семинар-тренинг ҳақида фикр-мулоҳаза билдириб, дарсларда замонавий ахборот-технология ва дидактик ўйинларни кенгроқ қўллаш, луғатдан фойдаланишни ўрганиш, болалар нутқини ўстиришга оид тавсиялари билан ўртоқлашдилар.

Каримқул БОБОҚУЛ ўғли.

Истеъмолчи ҳуқуқлари қонун ҳимоясида

ЙЎЛ ҲАҚИНИ ТЕНДЕР БЕЛГИЛАЙДИ

"Автомобилчи-Собиржон" масъулияти чекланган жамиятининг Янгийўл шаҳрига қатновчи "Дамас" автоулови нархидан норози бўлган ота-оналар Янгийўл туман истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига мурожаат этдилар. Раҳбарият билан ҳамкорликда вазият ўрганилиб, йўл ҳақи тендерда таклиф этилган нарх бўйича 1100 сўм қилиб белгиланди.

Дарҳақиқат, ён-атрофимизда бу каби ҳоллар оз бўлса-да, учраб туради. Кимдир бунга лоқайд қараса, яна кимдир ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш истайди.

– Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ишлаб турибди, – дейди Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси вилоят ҳудудий бирлашмаси раиси Нигора Рустамова. – Улар аҳоли мурожаатларини ўрганиб, муаммони ҳал қилишга амалий ёрдам бермоқдалар.

Ўтган йили ҳудудий бирлашма ҳамда туман ва шаҳар жамиятларига 500 та ариза ва шикоят тушиб, 441 таси ижобий ҳал этилди. Уларда асосан коммунал тўловлар, электр таъминоти, соғлиқни сақлаш, транспорт хизмати, савдо-сотиқ тизимидаги камчиликлар акс этган.

Аҳоли мурожаатлари бўйича 145 миллион 594 минг 389 сўм истеъмолчиларга қайтарилди. Дарвоқе, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари қошида "Ҳуқуқий маслаҳат маркази" ташкил этилган. Бу ерда фуқаролар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олаяптилар. Шунингдек, муаммони бартараф этишда марказ ходимлари уларга тўғри йўл кўрсатмоқдалар.

Ангрен шаҳри, 4-даҳа, 11-уй, 25-хонадонда яшовчи фуқаро А. Резанова электр тўловига оид тушунмовчилик сабаб марказга мурожаат қилган эди. Унинг аризаси ўрганиб чиқилиб, истеъмолчидан талаб қилинган 421 минг сўм қайта ҳисобкитоб қилинди.

Вилоят ҳудудий бирлашмаси ички бозорларда сотилаётган истеъмол товарларининг сифати ва хавфсизлигини текшириш, шунингдек, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бошқа талабларини таъминлаш мақсадида мониторинг ўтказиб, маиший чиқиндиларни ташиш билан шуғулланувчи корхоналар хизматини ўрганмоқда. Бундан ташқари, аҳоли ўртасида тушунтириш, тарғибот-ташвиқотни кучайтириш ҳам ҳудудий бирлашма назаридан четда қолмаяпти.

Ирода НОРБОЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Учрашув

Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси вилоят бўлими, Халқаро "Олтин мерос" хайрия фонди вилоят бошқармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят, туман бўлимлари ҳамкорлигида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

МАҲАЛЛАНГ ОТА-ОНАНГ

Қибрай тумани, "Шодлик" маҳалласидаги 1-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган учрашувга ўқитувчи ва ўқувчилар, ота-оналар ҳамда маҳаллалар фаоллари таклиф этилди. Миллий урф-одатлар, қадрият ва анъаналарни, тарихий ҳақиқатни ёшлар онгига сингдиришда маҳалланинг тутган ўрни ва ролини ошириш, жамоат ташкилотлари ўртасида ижтимоий ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида уюштирилган ижодий мулоқот қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди. Ўқувчилар, турли тўгарак иштирокчилари тайёрлаган миллий жиҳозлар, қўғирчоқ ва ўйинчоқлар, концерт дастури барчага манзур бўлди.

Сайёра ЭШМАТОВА.

Эълонлар

Диққат! Диққат! Диққат!
Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси, "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали бошланғич нарх босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига тақлиф этади. Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

1. Зангиота тумани ҳокимлиги тасарруфида бўлган, Зангиота тумани, Ҳасанбой КФЙ, Ю. Ҳасанбой кўчасида жойлашган "Собиқ 13-сонли мактаб бино-иншоотлари".

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:

умумий ер майдони 0,1821 га,
қурилиш ости майдони 758,95 кв.м.
- энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
- сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.
Бошланғич нархи - 485 648 000 сўм.
Баланса сақловчи: Зангиота тумани ҳокимлиги.
Фаолият ихтисоси: маъмурий бошқарув.

2. Зангиота тумани ҳокимлиги тасарруфида бўлган, Зангиота тумани, Юнусобод ҚФЙ, Мамбетов кўчасида жойлашган "Собиқ 21-сонли мактаб бино-иншоотлари".

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:

умумий ер майдони 0,19 га,
қурилиш ости майдони 468,90 кв.м.
- энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
- сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.
Бошланғич нархи - 450 505 000 сўм.
Баланса сақловчи: Зангиота тумани ҳокимлиги.
Фаолият ихтисоси: маъмурий бошқарув.

3. Зангиота тумани ҳокимлиги тасарруфида бўлган, Зангиота тумани, Бўзсув ҚФЙ ҳудудида жойлашган "Ўзбекистон ҚВПнинг фойдаланилмаётган бино-иншоотлари".

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:

умумий ер майдони 0,0141 га,
қурилиш ости майдони 141,10 кв.м.
- энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
- сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.
Бошланғич нархи - 87 472 000 сўм.
Баланса сақловчи: Зангиота тумани ҳокимлиги.
Фаолият ихтисоси: маъмурий бошқарув.

4. Зангиота тумани ҳокимлиги тасарруфида бўлган, Зангиота тумани, Ўзгариш ҚФЙ, Бобур номли маҳаллада жойлашган "Ўзгариш ҚВПнинг фойдаланилмаётган бино-иншоотлари".

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:

умумий ер майдони 0,1026 га,
қурилиш ости майдони 240,82 кв.м.
- энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
- сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.
Бошланғич нархи - 213 385 000 сўм;
Баланса сақловчи: Зангиота тумани ҳокимлиги.
Фаолият ихтисоси: маъмурий бошқарув.

5. Зангиота тумани ҳокимлиги тасарруфида бўлган, Зангиота тумани, Чувалачи ҚФЙ, А. Навоий кўчасида жойлашган "Янгиобод ҚВПнинг фойдаланилмаётган бино-иншоотлари".

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:

умумий ер майдони 0,1731 га,
қурилиш ости майдони 717,05 кв.м.
- энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
- сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.
Бошланғич нархи - 456 983 000 сўм;
Баланса сақловчи: Зангиота тумани ҳокимлиги.
Фаолият ихтисоси: маъмурий бошқарув.

Савдо ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уйда жойлашган "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали. Тел.: (8-371) 236-38-28. Электрон почта: info@1kms.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.1kms.uz

Аукцион савдоси 2015 йил 6 март куни соат 11:00 да, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 20 март, 3, 17 апрель, 1, 15, 29 май, 12, 26 июнь, 10, 24 июль, 7, 21 август ҳамда 7 сентябрь кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечиқмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси ("Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали)нинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: ОАИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиали; х/р: 20208000204920609019, МФО 01036, СТИР 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисида эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

жисмоний шахслар учун - паспорт нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй.

Маълумот учун телефонлар: (8-371) 236-38-28. Факс: (8-371) 236-38-28.

Электрон почта: info@1kms.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

"NEW ESTATE ACTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига: Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулк тақроран қўйилмоқда: 2014 йил 8 октябрдаги 12-1404/9225-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Кангли кўчаси 16-уй манзилида жойлашган: умумий ер майдони 0,9925 Га, умумий қурилиш ости майдони 1900,06 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 1454,00 кв.м. бўлган "Пилорама цехи".

Бошланғич баҳоси - 375 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 19 февраль куни соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади.

Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. 2014 йил 29 декабрдаги 11-1435/12601-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Қизғалдоқ ҚФЙ, К. Гафуров кўчаси манзилида жойлашган: умумий фойдаланиш майдони 137,25 кв.м. бўлган "Дўкон биноси".

Бошланғич баҳоси - 50 000 000 сўм.

2. 2014 йил 3 июлдаги 11-1436/51851-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Кўксарой КФЙ, Келес кўчаси манзилида жойлашган: умумий фойдаланиш майдони 68,50 кв.м. бўлган "Дўкон биноси".

Бошланғич баҳоси - 37 500 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 5 март куни соат 12:00 да бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлаш ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО 01101, ИНН 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13.

Лицензия: RR-0148.

"REAL AUKSION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда: Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан: Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар ИИБ жарима майдонида сақланаётган: 23.01.2014 йилдаги 1849-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1977 йилда и/ч., дав/рақ: 10W8556, бошланғич баҳоси - 1 860 044 сўм бўлган "ВАЗ-2101" русумли техник носоз; 19.05.2008 йилдаги 2777-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1984 йилда и/ч., дав/рақ: 11V6328, бошланғич баҳоси - 325 228 сўм бўлган "Москвич 412" русумли техник носоз; Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар 1-сонли ИИБда сақланаётган: 18.11.2013 йилдаги 17585-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1985 йилда и/ч., дав/рақ: 11G0603, бошланғич баҳоси - 1 547 314 сўм бўлган "УАЗ 469" русумли техник носоз; Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар, "Савдо" МЧЖ омборида сақланаётган: 17.06.2010 йилдаги 9297-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1987 йилда и/ч., дав/рақ: 11T8467, бошланғич баҳоси - 373 805 сўм бўлган "ГАЗ-24" русумли техник носоз; 11.02.2013 йилдаги 433-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1985 йилда и/ч., дав/рақ: 6981 ТША, бошланғич баҳоси - 439 151 сўм бўлган "Урал" русумли техник носоз мотоцикл; 02.06.2014 й. 10565-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1982 йилда и/ч., дав/рақ: 10A468JA, Бошланғич баҳоси - 4 412 318 сўм бўлган, "ВАЗ-2106" русумли техник носоз; 02.06.2014 й. 10564-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1980 йилда и/ч., дав/рақ: 10L602CA, бошланғич баҳоси - 3 634 089 сўм бўлган, "ВАЗ-21011" русумли техник носоз автотранспорт воситалари савдога тақроран қўйилмоқда. Тошкент вилояти Бўстонлиқ Суд ижрочилари бўлими томонидан: Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани "Мариам Текстил Сервис" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 2014 йил 11 августдаги 01-277-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1988 йилда и/ч., дав/рақ: 10R877GA, бошланғич баҳоси - 8 865 831 сўм бўлган "ВАЗ-2107" русумли автотранспорт воситаси савдога тақроран қўйилмоқда

Аукцион савдоси 2015 йил 23 февраль куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 28.04.2014 йилдаги 10-1408/2093-сонли ижро ҳужжатига асосан: Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Хўжакент шаҳарчаси, Нурчилар кўчаси, 6-уй манзилида сақланаётган: бошланғич баҳоси - 114 553 650 сўм бўлган "Минерал сув ишлаб чиқариш технологик линияси" савдога қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2015 йил 24 февраль куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар ва автотранспорт воситалари билан талабгорлар тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "REAL AUKSION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО 01101, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13.

Гувоҳнома № 006795.

Зангиота тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 29.10.2004 йилда № 468 реестр рақами билан қайта рўйхатга олинган "DAVLAT" фермер хўжалигига тегишли бўлган гувоҳнома ҳамда устав йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ. Телефон: (+99898) 121-79-19.

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 14.10.2013 йилда № 008662-10 реестр рақами билан рўйхатга олинган, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Бодомзор кўчаси, 42-уйда жойлашган "ABSOLYUT STANDART SERVIS" (ИНН 302727611) МЧЖ ТУГАТИЛАДИ (жамиятнинг 28.01.2015 йилдаги 1-сонли қарорига асосан). Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Юнусобод тумани, Бодомзор кўчаси, 42-уйда қабул қилинади.

Тошкент шаҳар, Олмазор тумани ҳоимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 20.06.2011 йилда № 005319-05 реестр рақами билан рўйхатга олинган "LIZA MEBEL" МЧЖ ТУГАТИЛАДИ. Даъволар Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қичқириқ кўчаси, 1-берк кўча, 13-уйда қабул қилинади.

СП ООО "MAGNA CONSTRUCT" (ИНН 302836999, ОКОНХ 14813), зарегистрированное Министерством Юстиции Республики Узбекистан за реестр № 1474 от 19.02.2014 г., расположенное по адресу: г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Себзор, 52-А сообщает о приобретении статуса ООО, в связи с уменьшением его уставного фонда с 710 959,86 долларов США до 846 599 124,86 сум.

Утерянные гувохнома за № 002292-06, выданную в 09.11.2009 г. и лицензию за № 7630 от 30.12.2009 г. на ООО "MIRAZIM FARM" (ИНН 301368276), зарегистрированное ИРСП Сергелийского района за реестр № 002292-06, почтовый адрес предприятия: Сергелийский район, массив Строитель, дом 2, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ. Телефон: (+99890) 929-10-74.

ООО "ANVAR GAZ" (ИНН 201219234) Учтепинского района сообщает об уменьшении уставного фонда с 18 500 000 сум до 4 800 000 сум.

Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан 12.12.2012 йилда № 006974-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган "SADINA BROK" (ИНН 302445314) МЧЖ ТУГАТИЛАДИ (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил апрелдаги ПҚ-630-сонли қарорига асосан).

ООО "KIFTI OB TAOMLARI" (ИНН 302731759, ОКОНХ 71300, ОКПО 24518247), зарегистрированное ИРСП хокимията Шайхонтохурского района г. Ташкента за гувохнома № 007091-09 от 21.10.2013 г., расположенное по адресу: ул. Фаробий, 1-туп, дом 17, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (решения учредителя от 02.02.2015 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.

ООО "OLTIN PIRAMIDA KREDIT" (ИНН 207142802), зарегистрированное Министерством Юстиции РУз №1561 за реестр № 104 от 13.02.2012 г., расположенное по адресу: г. Ташкент, Яккасарайский район, ул. Усмана Носира, дом 50-А, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (решение учредителя от 13.05.2014 г. С момента принятия решения учредителя предприятие никакой финансого-хозяйственной деятельности не осуществляло). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.

ООО "BEST COMPRESSOR SERVICE" Мирабадского района г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 76 200 000 сум до 5 000 000 сум. Телефон: 281-55-54.

O'zLiDeP Тошкент вилояти Кенгаши O'zLiDeP Паркент тумани Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари – аппарат раҳбари Махамаджон Ибрагимовга волидаи муҳтарамаси

Санобар ИБРАГИМОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

9 февраль – Алишер Навоий таваллуд топган куни

ШИРИННИНГ ЮЗ САКСОН ИСМИ

Шоир севишганлар тавсифида бисотидаги бор ташбиҳу истиораларни ишга солади. Аксарият ҳолларда "Фарҳод", "Ширин" деб ўтирмай, уларни тўғридан-тўғри ана ўша таърифларнинг ўзи билан атаб кетаверади.

Достонни синчиклаб ўрганиб чиққанимизда, шу нарса маълум бўлдики, Навоий 153 марта "Фарҳод" деган исм ўрнига бошқа сўз, асосан, истиора, қисман, сифатлаш (эпитет) ёки изоҳловчи (перефраза) қўллаган. Исм билан ёнма-ён келган "Фарҳоди кўҳкан", "гўзал Ширин" каби ҳолатлар бу ҳисобга киритилмади.

Ширинга келганда, шоирнинг "ҳотамтойлиги" тутиб, бундан ҳам сахийлик қилади. Ишонасизми, достонда Ширириннинг яна 180 исми бор!

Биринчидан, бу қаҳрамонни идеаллаштириш, уларнинг хислатларини бўрттириб кўрсатиш учун хизмат қилади. Иккинчидан, мазкур сўзларда муаллифнинг асар қаҳрамонларига, персонажларнинг эса ўзаро бир-бирига муносабати – симпатия ё антипатияси акс этади. Масалан, Фарҳодни шоир энг яхши, Хусрав ва унинг тарафдорларини эса энг ёмон сўзлар билан атайди.

Маънавият

Ҳатто, бир-бирига яқин маъноли сўзларда ҳам симпатия-антипатия билиниб туради: шоир Фарҳодни "мажнун" деса, Хусравнинг элчиси унга нисбатан "телба" истирасини ишга солади. Гарчи бу икки сўз ўзаро яқин маънолик маъноси йўқ ҳисоб. Аниқроғи, бунда "ошиқлик"дан кўра "беақллик" маъноси кучлироқ.

Асарда ҳадеб қаҳрамон номини тилга олавериш услубни сийқалаштириб юбориши аниқ. Исм "яшириш" усули бунга йўл қўймайди.

Навоий Ширинни бир ерда "сарви гуландом" деб атаса, иккинчи ерда уни "Ой" дейди. "Ул сиҳи сарви сарафроз", "шўх", "Моҳпора", "жамоли гети асар таъсирчанлигини оширишни ўйлаб қилинган. Мана бу байтда "бедил" – Фарҳодни, "маҳваш" – Ширинни англатиб келаётганини китобхон қийналмай билиб олаверади:

Не бедил таркини тутмоққа хушнуд,
Не маҳвашқа насиҳат айлабон суд.

Ширириннинг Фарҳодга йўллаган ўша машҳур мактубида шундай байт келади:

Демон бир шамъдин парвона сори,
Самандардин бир оташхона сори.

Бу ерда Ширин ўзбекона назокату фасоҳат билан зимдан аввал ўзини "шам"га ва Фарҳодни "парвона"га, кейин эса ўзини ўтда куймайдиган "самандар"га ва ошиғини олов ёниб турган "оташхона"га ўхшатаяпти.

Мана бу байтда эса "иш устоди", "маҳзун" сўзлари Фарҳодни, "ҳур" эса Ширинни билдиради:

Бу иш устодин истар эрди ул ҳур,
Ки таъриф этди ул маҳзунни Шопур.

Қуйидаги қўшмисрада биринчи бор "жон" дейилганда – Фарҳодни, иккинчисида эса Ширинни тушунамиз:

Кетургайлар баданни жон қошиға,
Бадан йўқ, жонни бал жонон қошиға.

Хуллас, бу таҳлиллардан шоир қаламининг соҳир кучини туямиз.

Гўзаллар таърифида ўзбек сўз усталари ичра Навоийга етари йўқ.

Султонмурод ОЛИМ,
Вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти профессори в.б.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Bolalik bog`i

QUShLAR UNUTIShMADI

Saidbekning tobi qochib qoldi. Shifoxonaga yotishi kerakligini eshitgan olti yoshli bolakay qovog`ini soldi: "Men kasalxonada bo`lsam, qushlarga donni kim beradi?"

Kichkintoyning tashvishi ota-onasini ham o`ylantirib qo`ydi: "Qiziq, shu bolakay qushlarni o`ylayapti-ya, ammo biz kattalar kundalik tashvishlar bilan bo`lib, parrandalarga e`tibor bera olarmikanmiz?"

Saidbek shu bahordan boshlab, hovlidagi atirgullar ostiga don-dun va non ushoqlarini sochar, buni ko`rib turgan daraxtdagi qushlar bolakay hali nari ketmasidanoq parillab yetib kelishardi. Qushlar orasida eng sabrliqi musichalar bo`lib, chumchug`u olaqanotlar emishga to`yganlaridan keyingina "dasturxon"ga tashrif buyurishardi. Buni ko`rib turgan Saidbek shu bir juft musicha uchun qaytadan don-dun separ va jilmay kuzatardi. Shu tariqa bolakay va musichalarning bir-biriga mehri tovlanib borardi.

Saidbek kasalxonaga ketsa, qushlarga kim emish beradi? Aksiga olib qish qattiq keldi, kunora pag`a-pag`a qor yog`ib, sovuq nafaqat parrandalarni, hatto odamlarni ham bezor qilayapti. Bunday kunda qush bechoralar qayerdan ozuqa topadi.

Saidbek onasi bilan kasalxonaga yotdi. Dastlabki kunlarda buvisi va buvasi qushlarga yemish tashlab, bundan o`zlari ham huzurlandilar. Keyinroq esa buni unuta boshlashdi.

Hafta o`tgach, yana nabirani ko`rgani borishdi-yu, Saidbek non ushoqlarini do`mboq qo`lchalari bilan deraza tokchalariga sochib, sevimli mashg`ulotini davom ettirayotganini ko`rishdi.

U o`girilib otasi, buva va buvisini ko`rdi-da:

– Qushlarim meni topib kelishdi, ularni mehmon qilayapman, – dedi.

Buvasi: Ha, ular shunaqa sadoqatli, yaxshilikni unutishmaydi, – dedi.

Shu tobda parillagan ovozdan hamma sergak tortdi. Qushlar uchib ketishdi. Oradan hech qancha vaqt o`tmay, deraza oynalariga nimadir kelib urildi. Qarashsa, bir juft musicha ku-kulab turishipti. Saidbekning yuzlari yorishib ketdi. U ich-ichidan quvonayotgandi. Musichalar esa mehmondorchilik uchun rahmat aytayotgandek edilar.

Abdusattor HOTAMOV.

Ҳаёт сабоқлари

ОИЛА ТИЛСИМИ

Дилрабо келин бўлиб тушган хонадон шароити ота уйидагидан бошқача эди. "Дом"да ўсиб-улғайган қиз эрталаб ўқишга борар, бўш пайтларида келинойиси билан ширинликлар пиширар, уй ясатишни хуш кўрарди. Давлат ишига ўрганган ота-онаси эса: "Қиз бола кўпчиликка қўшилгани, жамоа кўргани маъқул" деб, Дилрабони охирги курсдалигидаёқ ишга жойлаштириб қўйишди. Билимдон, зийрак ва уддабурон қиз тезда кўпчиликнинг назарига тушди. Эҳтимол, Абдурасул ҳам қизнинг шу хислатлари учун уни кўз остига олгандир. Бора-бора Дилрабо ҳам йигитга кўнгил қўйди. Кўп ўтмай тўйлари бўлди.

Қишлоқ шароити тамомила бошқача. Эрта тонгда туриб, ҳовли-кўча супуриш, мол-ҳолга қараш, сигир соғиш, томорқа ишлари... Дилрабо барча юмушларни уддалашга ҳаракат қиларди. Энг муҳими, оила аъзоларининг "шаҳарлик сатанг" деб ундан ихлослари қайтмаса бўлгани.

Орадан бир ойча ўтиб, Дилрабо янги хонадон шароитига анча кўникиб қолди. Бу орада меҳнат таътили тугаб, ишга тушадиган вақти яқинлашди.

– Ҳа, келинпошша, қаерга отландингиз? – деди қайнонаси ишга бориш учун ҳозирлик кўраётган Дилрабога.

– Ўғлингиздан сўрасам, уй юмушларига улгурсанг, мен қаршимасман, дедилар. Ахир ўқишни битирганман... Озроқ ишлаб турай дегандим...

Дилрабо фарзандлик бўлсак, шундоқ ҳам уйда ўтираман дейишга андиша қилди.

– Уй юмушлари тугарканми? Бир камим келин олиб ҳам идиш-товоққа ўзим ўнашим қолувди.

Зарда билан ёпилган эшик зарбидан дераза ойналари зириллаб кетди. Дилрабо қулоқларини кафтлари билан беркитганча, кўзларини чирт юмиб олди. Ҳаётида илк бор бундай вазиятга дуч келган Дилрабонинг кўзларига ёш қуюлиб келди.

У барига қўл силтаб, ишга кетиши мумкин эди. Бироқ, "Кирар эшигингни қаттиқ ёпма", деган гап бор.

Қолаверса, бу ёғи муросаю мадора. Шунинг учун бугунча ишга бормай қўяқолди.

Дилрабо эри ишдан келишини кутиб, тиқ этса эшикка қараб, кунни кеч қилди. Бироқ, эрига бугунги воқеани айтиб улгурмасидан, Абдурасул барчасидан хабар топибди. Онаси унга воқеани қай тарзда етказгани Дилрабога номаълум.

– Шу пайтгача мен ота-онамнинг гапини икки қилмаганман, – деди эри. – Сиздан ҳам уларнинг хоҳишига қарашни сўрайман. Мени десангиз, ота-онамни ҳам хурмат қилинг!

Дилрабо эрининг бу гапидан: "Тамом-вассалом, сени эшитишни ҳам хоҳламайман" деган маънони уқди. "Эрталабдан бери интиқ бўлиб кутганим ҳам мени демади. Ахир уни деб шу хонадонга келдим, ундан бошқа яқин кишим борми бу ерда?" Дилрабонинг хаёлида чарх ураётган саволлар унга туни билан тинчлик бермай, тўлғаниб чиқди. Аммо начора, у Абдурасулни деб барига чидашга мажбур. "Сут ичишни биласиз-у, сигир соғишни уддалолмайсиз", "Қўлда ош ейишни онаси ўргатмаган", "Нон ёпиш у ёқда турсин умрида рапида ушламаган келинни биринчи кўришим" каби чимчилаб оладиган гапларга ҳам бирор марта қарши сўз айтмади. Бироқ, қайнонаси Абдурасулни ёнига ўтқазиб: "Хотининг тирноғини бўяб, паншахада (санчқи демоқчи) овқат ейди", деб нолинаётганини эшитиб: "Нега қайнонам мени бунчалик ёмон кўради, ҳар бир ҳаракатимдан айб қидиради, еб-ичганимни ҳам гапиради", деб қаттиқ ранжиди, ўксиб-ўксиб йиғлади. Қайнонасининг ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ деявериши жон-жонидан ўтиб кетди...

Бугун Дилрабо уйдан чиқиб кетганига беш кун бўлди. Лекин, 18 йиллик ота уйида ўзини бегонадек ҳис қиларди. Ҳар куни Абдурасулни кутади. Гўё эри сўроқлаб келса, ҳамма нарса ўзгариб қоладигандай.

– Қизим, уйда ўтириб, ичэтингни ейишингдан фойда йўқ. Эртадан ишингга бор, телефонлашиб қўйдим. Зора турмушларинг изга тушиб кетса...

Ҳамма ходимлар ўз ишлари билан банд пайтда Дилрабонинг кириб келиши кутилмаган таъриф бўлди. Тўйдан бери Дилрабо билан энди кўришаётган дугоналари бирлари олиб, бирлари қўйиб, очилиб кетгани, келинлик унга ярашгани ҳақида гапира кетишди.

– Ишдан бўшашингиз ҳақида Абдурасул ака ҳазил қилган эканлар-да, – деди Нодира исмли шаддодгина қиз.

Боядан бери ўзини тийиб турган Дилрабо, ниҳоят, эрига қараб: "Ассалому алайкум" деди.

Тушдан кейин Абдурасул раҳбарият топшириғи билан қаергадир кетиб, қайтиб келганида Дилрабони бўлим бошлиғи билан бирга компьютерда қандайдир жадвал устида ишлаётганларини кўриб, негадир хотинини рашк қила бошлади. Бўлим бошлиғи эса атайлаб қилгандек, унинг олдида ўзини эркин тутарди. Наҳотки у Абдурасулни "сенам эркакмисан" қабилида мазах қилаётган бўлса?!

Бошқа пайт бўлганида Абдурасул бу воқеага, эҳтимол, эътибор бермаган бўларди, бироқ унинг ҳозирги ҳолатида эрлик ҳамияти устун келди. Журъатсизлиги туфайли Дилрабони, ўз бахтию, оиласини бой бериб қўйиши мумкинлигини англади. Қатъиятли бўлишга аҳд қилган Абдурасул турмушдан куйган бир дўстининг такрор-такрор айтиб юрадиган тўртлигини эслади:

Токи бор ғайрату мардликдан асар,
Аҳли аёлингни этма дарбадар.
Мева шохи агар девордан ошса,
Йўловчилар унга, бешак, қўл чўзар.

Аллома АЗИЗОВА.

Рассом хандаси

Жиноятга жазо муқаррар

ТИКАНЛИ СИМ ОРТИДАГИ ҲАЁТ – АЗОБ

Жиноят ишлари бўйича Бекобод туман судида ўтган очиқ суд мажлисида бир йўла уч фуқаронинг жиноий иши юзасидан ҳукм чиқарилди. Ҳар бирига 13-14 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Айбдорлар вақтинча ишсиз бўлиб, бекорчилик сабабми ёки мўмай даромад орттириш мақсадидами, жиноятга қўл уриб, охироқибат қилган қабиҳ ишлари туфайли қора курсига ўтиришди.

Шу ўринда савол туғилади: "Ҳаёт Умаров, Жўшқин Каримов ва Музаффар Холмирзаев ҳамма қатори бирор касб ёки ҳунарнинг бошидан тутиб, оилалари даврасида хотиржам, бахтиёр ҳаёт кечирсалар бўлардику?"

Музаффар Холмирзаев иқрор бўлишича, 2013 йилнинг февраль ойидан буён бир неча бор контрабанда йўли билан ёхуд божхона назоратидан яшириб олиб кирилган кўп миқдордаги гиёҳвандлик моддасига харидорлар топиб, мўмайгина пулга сотиш билан шуғулланиб келишган ва савдодан тушаётган даромаднинг бир қисмига шерик бўлишган. У Тожикистон республикаси фуқароси Асрор исмли шахсдан мамлакатимизга олиб кирган катта миқдордаги қора оғунинг 100 граммини шериги Жўшқин Каримовга етказади. Жўшқин "мол"-ни Бекобод туманидаги Хос қишлоғига олиб бориб, 150 АҚШ доллари ҳамда 400 минг сўм нақд пулга сотади ва бу хизмати эвазига 70 минг сўм билан сийланади. Шунингдек, бу "холис хизмат"лар эвазига жиноий гуруҳ аъзолари буюртмачилардан мўмайгина пул олиб туришади.

Судда Ҳаёт Умаров ҳам бу иш билан анча вақтдан буён шуғулланиб келганини, гоҳида ўзи ҳам истеъмол қилиб юрганини тан олди. Аслида қанчадан-қанча одамлар соғлиғига зиён етказиш эвазига "тирикчилик" қилиб келган. Ҳ. Умаров Ж. Каримовдан дастлаб бир килограмм, келгуси сафар эса икки килограмм гашиш моддасини олиб, мўмай пулга сотган ва жами 1300 АҚШ доллари ишлаб олган. Унинг кейинги савдоси янада катта бўлди. Харидорлардан тушаётган талабдан руҳланиб, Жўшқиндан 4 килограмм "мол" етказиб беришини сўрайди. Ундан 7,8 килограмм гашишни олиб, гулистонлик танишига 17 минг 800 АҚШ долларига сотиб юборади. Бу савдодан ҳам яхшигина пул ишлаб олади.

Суд ҳайъати жиноятчиларга нисбатан жазо тури ва меъёрини тайинлашда, жиноят оқибатларига эътибор қаратиб, Ҳаёт Умаров ва Жўшқин Каримовга 13 йилдан, Музаффар Холмирзаевга эса 14 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлади. Зеро, уларнинг жамият манфаатларига, кишилар саломатлигига етказган катта зарарларини ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди. Энди улар панжара ортида саёқ юришнинг, меҳнатсиз пул топишнинг оқибатини чуқур ўйлаб, тегишли хулоса чиқарсалар ажаб эмас. Агар аввалбошдан ҳар бир жиноятга жазо муқаррар эканини ҳис этиб, тўғри йўлдан адашмаганларида эди, бугун дўсту яқинлари даврасида эмин-эркин ҳаёт гаштини суриб юрган бўлардилар.

Ботир БОБОЕВ.

ЕТТИ КИШИ ПОРТЛАШ ҚУРБОНИ

Сурия пойтахти Дамашқ шаҳрида содир этилган портлаш қурбонлари етти кишига етганлиги ҳақида хабар тарқатди ал-Маядин телеканали.

Сўнгги маълумотларга қараганда, яна 13 киши жароҳат олган. Гап террорчилик ҳаракати хусусида бормоқда. Портлаш шаҳар марказида ливанлик сайёҳлар бораётган автобус салонида содир этилди. Дамашқ ҳафта давомида ракета ва миномётлардан тўхтовсиз ўққа тутилди ва шаҳарга катта моддий зарар етказилди.

Мамлакатда давом этаётган жанжаллар оқибатида 200 мингдан зиёд киши ҳалок бўлди. БМТдаги мавжуд маълумотларга қараганда, ҳукумат қўшинлари ҳамда жангари отрядлар ўртасидаги тинимсиз тўқнашувларда 12 миллиондан зиёд киши жабр кўрди, қарийб 4 миллион суриялик қочоқларга айланишди.

БОЛГАРИЯ ФУҚАРОЛАРИ ҚЎЙИБ ЮБОРИЛДИ

Болгария ташқи ишлар вазирлигидан берилган хабарга қараганда, Судан Халқ озодлик ҳаракати гуруҳи томонидан қўлга олинган Болгария вертолётидаги олти йўловчи ҳамда экипаж аъзолари маълум муддат ушлаб турилгандан сўнг қўйиб юборилди.

БМТнинг Халқаро озиқ-овқат дастури топшириғи асосида ишлаётган ушбу вертолёт ҳукумат қўшинларига қарши курашаётган жангари гуруҳлар тасарруфидаги ҳудудга қўнишга мажбур бўлган пайтда қўлга олинган эди. Болгария ташқи ишлар вазири Даниел Метовнинг хабар қилишича, мажбурий қўниш чоғида ҳеч ким жабр кўрмаган, жангарилар қўлга олган йўловчи ва экипаж аъзолари ўзларини яхши ҳис этмоқдалар. Унинг таъкидлашича, ўзаро музокаралар БМТ томонидан энг олий даражада олиб борилган ва гап вертолётдагиларни зўрлаб ҳибсга олиш ҳақида бораётгани йўқ.

ЧАНҒИЧИЛАРНИ ҚОР КЎЧКИСИ БОСДИ

Маҳаллий полиция маҳкамасидан маълум қилишларича, Швейцариянинг Алп тоғларида олти чанғичи қор кўчкиси остида қолган.

Граубюнден музофотида тўққиз чанғичи 2200 метр баландликдан тушаётган пайтда кўчки содир бўлиб, уларнинг етти нафари қор остида қолди. Учта вертолётда воқеа жойига етиб келган қутқарувчилар уч кишининг жасадини топишди. Тўрт нафар жабрланганлар оғир жароҳатлар билан шифохоналарга ётқизилди. Улардан бири шифохонада ҳаётдан кўз юмди.

Ўша куни Берн музофотида ҳам чанғичилар рухсат этилмаган трасса бўйлаб тушиб келишаётган пайтда қор кўчкиси остида қолишди. Умуман, кейинги уч кун ичида Швейцарияда тўққиз киши кўчки қурбонига айланди. Полиция тоғда дам олувчиларни қор кўчкиси хавфи ҳақида огоҳлантирмоқда. Кейинги бир неча кун давомида Алп тоғларининг бир қанча туманларида 120 сантиметр қалинликда қор ёғди.

ҲАМҚИШЛОҚЛАРИГА ЁРДАМ БЕРДИ

Хитойлик тадбиркор Сюн Шуихуа бульдозерчиларга пул тўлаб, ўзининг жонажон қишлоғидаги ёғоч уйларнинг ҳаммасини бузиб ташлаш ва ифлос кўчаларни тозалашни буюрди.

Гап шундаки, 54 ёшли тадбиркор металлургия саноати соҳасида фаолият юритиб, бутун умри давомида сарфлаб тугата олмайдиган даражада кўп пул ишлаб топди. Шу боис қишлоқдаги ҳамма хароба уйлар ўрнида ҳар бир оила учун замонавий тураржой қуриб беришга қарор қилди. Зеро, ўзи ҳам бир пайтлар шу ердаги камбағал оилада яшаган, ўшанда кўп қўшнилар уларга ёрдам кўрсатган эди.

Энди яқин атрофдаги энг бой кишига айланган Сюн Шуихуанинг ҳиммати билан қариялар ҳамда камбағал кишилар уч маҳал бепул овқат билан таъминланмоқда. 72 оила янги уйларга кўчиб кириб, ҳовли тўйи ўтказишди ва тенис кўчаларда сайр қилишмоқда.

Ҳисоб-китобларга қараганда, тадбиркор жонажон қишлоғини тубдан қайта қуришга 6 миллион долладан кўпроқ маблағ сарфлаган.

БУТУН ШАҲАР АҲЛИ БИР УЙДА

Олис Аляска штатидаги кўплаб майда шаҳарчалар қаторидаги Уиттиер шаҳри аҳолиси бор-йўғи 220 кишидан иборат.

Қизиғи шундаки, шаҳарнинг бутун аҳолиси биттагина 14 қаватли уйда яшайди. Аввалига ушбу уй маҳаллий ҳарбий қисм аскарлари яшаши учун қурилган эди. Бироқ, кейинчалик кўплари маҳаллий бандаргоҳда ишлайдиган аҳоли яшай бошлади.

Бинодаги ижтимоий аҳволни мукаммаллаштириш мақсадида ўзига хос ечим топилган. Яъни, шу бинонинг ўзида мактаб, полиция маҳкамаси, черков, шифохона, дўкон ва ҳатто қаҳвахона жойлашган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги
Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ
Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru
Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.
Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Ирода НОРБОЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ
Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-2023. Адади 15459. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.
Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.00.